

ЎРТА ОСИЁ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРИ АСТРОМИФОЛОГИЯСИДА ОҚБЎЗОТ ВА  
КЎКБЎЗОТ ЮЛДУЗЛАРИ

ЗВЕЗДЫ АКБУЗАТ И КУКБУЗАТ В АСТРОМИФОЛОГИИ ТЮРКСКИХ НАРОДОВ  
СРЕДНЕЙ АЗИИ

STARS AKBUZAT AND KUKBUZAT IN ASTROMYTHOLOGY OF TURKIC PEOPLES OF  
CENTRAL ASIA

М.Жўраев<sup>1</sup>

<sup>1</sup> М.Жўраев

– филология фанлари доктори, профессор

**Аннотация**

Мақолада Ўрта Осиё туркий халқлари фольклорида қайд қилинган Оқбўзот ва Кўкбўзот юлдузлари тўғрисидаги қадимги астромифологик тасаввурлар ва самовий мифлар таҳлил қилинган. Ушбу юлдузлар тўғрисидаги мифларни қиёсий ўрганиш асосида ўзбек фольклоридаги астраль мифлар генезиси қадимги туркийлар мифологиясида боғлиқлиги аниқланган.

**Аннотация**

В статье анализируются древние астромифологические представления и космогонические мифы, зафиксированные в фольклоре тюркоязычных народов Средней Азии. На основе сравнительного анализа доказано, что генетические истоки узбекских астральных мифов непосредственно связаны с древнетюркской мифологией.

**Annotation**

This article analyzes the ancient astromythological ideas and cosmogonic myths recorded in the folklore of the Turkic peoples of Central Asia. Based on a comparative analysis, it is proved that the genetic origins of Uzbek astral myths are directly related to ancient Turkic mythology.

**Таянч сўз ва иборалар:** астрал афсона, астромифология, фольклор, сюжет, космоним, эпос, қўшиқ, мотив, поэтика, генезис.

**Ключевые слова и выражения:** астральный миф, астромифология, фольклор, сюжет, космоним, эпос, песня, мотив, поэтика, генезис.

**Keywords and expressions:** astral myth, astromythology, folklore, plot, cosmonym, epic, song, motive, poetics, genesis.

Қадимги аждодларимизнинг турмуш тарзи, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш эҳтиёжи осмон ёритқичлари ҳаракатини мунтазам кузатиб боришни тақазо этган. Чорвадорлар янги яйловларга кўчиш муддатини, деҳқонлар эса дала юмушларини бажариш вақтларини осмон ёритқичларининг ҳолатига қараб белгилашган. Шу тариқа тўпланган кенг камровли фенологик кузатишлар асосида ой, қуёш ва юлдузлар ҳаракатига асосланган вақт ҳисоби амаллари – халқ тақвимлари юзага келган. Юлдузлар ҳаракати ва ҳолатини муттасил кузатган боболаримиз бу само жисмларининг ҳар бирини алоҳида номлар билан атаб, улар ҳақида турли миф ва афсоналарни ҳам яратишган. Аждодларимизнинг юлдузлар тўғрисидаги қадимий тасаввурлар, инонч-этиқодлари астраль мифлар ёки астромифологияда ўз

ифодасини топган. Астраль мифлар асосан этиологик характерда бўлиб, юлдузларнинг пайдо бўлиши, уларнинг осмон гумбазидаги доимий ҳаракати сабабларини тушунтириш, изоҳлаш мақсадида ҳикоя қилинган [10, 11-45; 11, 121-125].

Халқимизнинг қуёш билан ой, юлдузлар ва табиат ҳодисалари ҳақидаги мифологик тасаввурлари орасида Оқбўзот билан Кўкбўзот деб аталувчи юлдузлар тўғрисида ҳам ўзига хос асотирий қарашлар мавжуд. Бу юлдузлар билан боғлиқ самовий мифлар ўрта асрларда яратилган «Аттуҳфатуз закиятү филлуғатит туркия» (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа)» номли луғатда «**икки боз ат**» атамасига берилган «*қутби шимол яқинидаги икки юлдуз номи, шомдан эрталабгача сўнмайди*» деган қайдномада [3, 94] ҳам ўз ифодасини топган.

Илмий астрономияда бу юлдузлар номи «Оқ мерин» ва «Кўк мерин» деб юритилади.

Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳ.Зарифов томонидан ёзиб олинган мифда Темир қозиқ юлдузига боғлаб қўйилган Оқбўзот билан Кўкбўзотни ўғирлаш учун Етти қароқчининг туни бўйи тиним билмай қувиб юриши тасвирланган [12, 80]. Бу миф сюжети бошқа туркий халқлар фольклорида ҳам учрайди. Жумладан, туркман мифларида Оқбўзот билан Кўкбўзот осмонда ўтлаб юрган икки самовий арғумоқ, Темир қозиқ ана шу тулпорларни қўриқлаб турувчи қоровул, Етаган эса етти нафар қароқчи сифатида гадаланади. Етти қароқчи бу отларни ўғирлашга қанчалик уринмасин, Темир қозиқ бунга йўл бермас, отлар ҳам Темир қозиқдан узоқлашмай, унинг теварагида ўтлашаркан [6, 40-41].

Қирғиз мифологиясида эса Кичик айиқ туркумида чўмичнинг учига икки юлдуз «*Ак сары ат*» ва «*Кок сары ат*», яъни Оқ сариқ от ва Кўк сариқ от дейилади. «Қут жылдыз», яъни Қутб юлдузига узун арқон билан боғланган бу отлар ўша жойдаги яйловда ўтлаб юришар экан. Қароқчилар кечаси билан ана шу отларни қўлга киритиш учун уларнинг атрофида айланиб юришар, аммо тонг отгач, қуруқ қўл билан қайтиб кетишаркан. Бу ҳодиса ҳар куни тунда такрорланаверар экан [4, 48]. Мазкур мифнинг бошқа бир вариантыда айтилишича, «кўк подшосининг Оқсари от ва Кўк сари от деган иккита яхши тулпори бор эмиш. Улар олтин қозиққа боғлаб қўшилган эмиш. Етти нафар кўк ўғрилари бу отларни ўғирлаш учун илмоқ ташлашар, аммо арқони етмас эмиш». Қирғизларнинг яна бир мифида айтилишича, Катта айиқ юлдузлари «*жиды-каракчи*» бўлиб, улар *Акбузат* ва *Кукбузат* деган учқур самовий тулпорларнинг ортидан қувиб юрган етти бўри экан. Ана шу етти бўри отларни қувиб етиб, тутиб олса ва еб қўйса ўша куни қиёмат қойим бўлиб, дунё остин-устун бўлиб кетаркан. Қирғиз мифларидан яна бирида эса Темир қозиқнинг яқинида жойлашган бу икки юлдуз бири оқ, бири қора икки от деб тушунтирилади: Кўк подшосининг Оқ сари от ва Кўк сари от деган икки арғумоғи бўлган экан. Подшо ўзининг отларини олтин қозиққа узун арқон билан боғлаб қўйган экан. Кўкда яшовчи ўғрилари бу отларни қўлга

туширмоқчи бўлиб арқон ташлашибди, аммо арқон етмабди. Аммо улар умидсизликка тушмай, ҳамон ана шу икки отнинг ўғирлаш умидида арқон ташлашни давом эттиришар эмиш. Оқ сари от билан Кўк сари от бўлса олтин қозиқ атрофида айланиб юришар, етти ўғри уларнинг орқасидан қувиб айланар экан [5,28].

Темир қозиқ юлдузига боғлаб қўйилган икки оқ от ва уларни ўғирламоқчи бўлган Етти қароқчи тўғрисидаги миф қозоқ фольклорида ҳам мавжуд. Унда айтилишича, Етти қароқчининг икки томонидаги икки ёруғ юлдуз – икки ботир, уларнинг ёнидаги юлдузлар эса уларнинг отлари эмиш. Оқбўзот билан Кўкбўзот номли бу отлар Темир қозиққа боғлаб қўйилгани учун унинг атрофида айланиб ўтлаб юришаркан. Етти қароқчи бу отларни ўғирламоқчи бўлиб кечаси билан қулай пайт пойлаб чиқар, аммо сергак ботирлар ўз отларига ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туришар, бу орада тонг отиб, ўғрилари ўзларини панага олишга мажбур бўлишар экан [1,80].

Татар фольклорида «*Акбузат йолдыз*, *Кукбузат йолдыз*, *Темирказык бер ялғыз*» мақоли қайд қилинганлиги [7, 26] ва унда мазкур уч юлдуз номининг кетма-кет тилга олиниши Волга бўйи туркий халқларининг космогоник мифологиясида ҳам Қутб юлдузига боғлаб қўйилган самовий арғумоқлар тўғрисидаги архаик сюжет мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

«Оқбўзот» ва «Кўкбўзот» космонимлари ва улар билан боғлиқ астраль мифларнинг шаклланиш тарихи туркий халқлар мифологиясининг архаик қатламига бориб тақалади. Анъанага кўра, қаҳрамоннинг яқин кўмакдоши ва дўсти ҳисобланган эпик от кўпинча оқ ёки бўз (яъни кўк) тусли тулпор сифатида тасвирланади. Элтариш Ҳоқоннинг кичик ўғли шарафига қўйилган қадимги туркий тошбитигида ёзилишича, Қултегин оқ бўз отларини миниб жанггоҳга кирар экан [16,23-30]. Бундай отлар эзгулик тимсоли сифатида улуғланганлиги «Ирқ битиги»даги «Бўз отли элчи эзгу хабар келтиради» мисраси ҳам тасдиқлайди [16,49]. Қаҳрамоннинг жанговар отини бўз айғир ёки бўз тулпор деб таърифлаш анъанаси бошқирд эпосида ҳам ўз бадий ифодасини топган. Урал ботирнинг «кўкда туғилиб, кўкда ўсган» тулпори Оқбўзот деб аталади.

*Болотка еткан таузарзы,  
Икерип ашкан Акбузат.  
Таягы тейган урындан,  
Кул сыгарган Акбузат.  
Елеп уткен ереннен,  
Тау сыгарган Акбузат [13,85].*

Таржимаси:

*Булутга етган тоғлардан,  
Сакраб ўтган Оқбўзот.  
Туёғи теккан ерлардан,  
Кул чиқарган Оқбўзот.  
Елиб ўтган ерлардан,  
Тоғ чиқарган Оқбўзот.*

Эпик отнинг Оқбўзот деб аталиши, унинг «осмонда туғилиб, ўсган тулпор» деб таърифланиши туркий халқларнинг юлдузга айланган самовий арғумоқлар, Темир қозик, Оқбўзот ва Кўкбўзот ҳақидаги мифологик қарашларига боғланади.

Бошқирд фольклорида “Акбузат” номли дoston мавжуд бўлиб, биринчи марта 1917 йилда М.А.Бурангулов томонидан Оренбург губерниясининг Оренбург уездидаги Бурзян волостида қарашли Бабалар қишлоғида яшовчи халқ “сэсэн”и (эпик асарларни ижро этувчи бахшиси) Гатиатулла Биккужиндан ёзиб олинган. Асарда қаҳрамоннинг қанотли тулпор – Акбузотда Урал тоғлари ҳудудидаги эпик саргузаштлари тасвирланган. Бошқирд мифологияси талқинича, “Акбузат” қанотли мифик от бўлиб, “Урал батыр” номли халқ эпосида юқори олам билан боғлиқ эпик ҳомий сифатида ҳам тасвирланган. Афсоналарда ҳикоя қилинишича, Бошқирдистондаги Бугадак, Шулган кўллари ҳамда Шулганташ ғорида бу ғаройиб отнинг руҳи, яъни “Акбузат руҳи” яшаркан. У оқ от минган оппоқ либосли чавандоз кўринишида намоён бўларкан [14,19].

Атоқли олим Ҳ.Зарифов ўзбек халқ дostonларидаги эпик «от образида кўзга ташланадиган мифологик хусусиятларнинг изларидан яна бири отнинг юлдуз билан

боғланиши»нинг тарихий илдизлари астраль мифларга алоқадорлигини «Оқбўзот», «Кўкбўзот» юлдузлари ҳақидаги асотири мисолида илмий асослаб берган эди [12, 80]. Хоразм эртақларидан бирига сингдириб юборилган қуйидаги астраль мифда ҳам бу юлдузлар тўғрисидаги мифологик қарашлар ўз ифодасини топган. Бу астраль миф «Қирқ ёлғон» номли бу эртақда отини излаб осмонга сафар қилган қаҳрамоннинг саргузаштлари баён қилинган бир лавҳада шундай акс эттирилган: «мен кўлимни узатиб, булутларни кўлим билан ёриб қарасам, жийрон бия билан тўриқ қулун Зухра юлдузининг ўнг томонида, Етти оғайнининг ёнбошида, бир тоғнинг ёнбағрида, акамнинг йилқиларига кўшилиб юрибди» [15,174-175]. Кўринадики, «жийрон бия билан қулун», яъни икки отнинг Етти оғайни юлдузи ёнида деб тасвирланиши Оқбўзот ва Кўкбўзот тўғрисидаги мифнинг эпик талқинини эслатади.

Тилшунос олим А.К.Боровков томонидан XX асрнинг 20-йилларида ёзиб олинган болалар фольклори намуналаридан бири – қизлар арғимчоқ учаётганда айтиладиган қуйидаги қўшиқда ҳам самовий арғумоқлар тўғрисидаги мифологик тасаввурлар акс этганга ўхшайди:

*Ҳалинчагим жўнасин,  
Сариқ отим сақлансун,  
Кўк отим кўклансун,  
Пушти отим пишлансун,  
Оқ отим оқлансун [8,35-36].*

Фольклоршунос Ш.Галиев ушбу қўшиқда кўлланилган ранглар тимсолининг поэтик маъноларини фасллар билан боғлайди. Унинг фикрича, «ана шу поэтик рамзлар тили воситасида юқоридаги қўшиқни таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги

ифодаларга эга бўламиз: «кўк отим кўклансун» – кўклам келиб, бутун олам ям-яшил либосга бурканиши; «сариқ отим сақлансун» – мева-чевалар ғарқ пишган ёз тимсоли, умуман олганда, сариқ – пишиқчилик тимсоли; «пушти отим

пишлансун» — япроқлар сарғайиб, хазонрезги билан бошланадиган куз фасли; «оқ отим оқлансун» — оппоқ қор билан ўтадиган қишнинг поэтик аналог» [9,69]. Назаримизда, болалар поэтик фольклори намунаси сифатида қайд этилган бу қўшиқда Темир қозик юлдузи ва унга боғлаб қўйилган отлар тўғрисидаги миф акс эттирилган.

Оқбўзот ва Кўкбўзот юлдузлари тўғрисидаги қадимги туркий мифларнинг келиб чиқиши аجدодларимизнинг ҳаёт дарахти ёки дунё оғочи вазифасини бажарувчи самовий тоғлар ҳақидаги эътиқодий қарашлари билан ҳам боғланади. Қадимги мифологияда самовий тулпорлар оламнинг киндиги, яъни қоқ марказида қад кўтариб турадиган дунё тоғининг устида яшайди деб тасаввур қилинган. Қадимги сак мифологиясининг самовий тимсолларини таҳлил қилган А.К.Акишев от боғланадиган

яккачўп, олтин қозик, темир қозик сифатида тасаввур қилинган Қутб юлдузи — ҳаёт дарахтининг рамзий ифодаси эканлиги ҳақида ёзар экан, икки отнинг Темир қозик атрофида айланиб юриши мотиви Ўрта Осиёнинг қадимги ерли аҳолиси — саклар мифологиясига алоқадор бўлиши керак деган хулосага келган эди. Қозоғистоннинг Иссиқ қўрғонидан топилган сак шаҳзадаси дафинасидан чиққан осори атиқалардаги рамзий чизгилар семантикасини тадқиқ этган олим сак мифларида қўлланилган от образи кенг маънода само тимсоли сифатида талқин қилинган деб ҳисоблайди [2,34].

Хулоса қилиб айтганда, туркий халқларнинг анъанавий фольклорида сақланиб қолган Оқбўзот ва Кўкбўзот тўғрисидаги астромифологик тасаввурларнинг тарихий-генетик жиҳатдан муштарак негизга бориб тақалади.

#### Адабиётлар:

1. Абишев Х. Аспан сыры. — Алматы, 1966.
2. Акишев А. Искусство и мифология саков. — Алмата: Ғылым, 1984.
3. Аттухфатуз закиятү филлуғатит туркия (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб тухфа). Таржимон ва нашрга тайёрловчи: С.Муталлибов. — Т.: Фан, 1968.
4. Байбосунов А. Донаучные представления киргизов о природе. — Фрунзе: Мектеп, 1990.
5. Байжигитов К. Қирғыз мифтери, уламыштери жана легендалари. — Фрунзе, 1985.
6. Баймырадов А. Туркмен фольклор прозасының тарыхы эволюциясы. — Ашхабад, 1982.
7. Беркутов В.М. Народный календарь и метрология булгаро-татар. — Казань: Татарское книжное издательство, 1987.
8. Боровков А.К. Игры узбекских детей // Сборник научного кружка при Восточном факультете Среднеазиатского государственного университета. Вып.1. — Т., 1928.
9. Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. — Т.: Фан, 1998.
10. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. — Т.: Фан, 1995.
11. Жўраев М. Ўзбек фольклорида юлдуз учиши билан боғлиқ астраль мифлар // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. — Нукус, 2018. — №3.
12. Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. — Т.: Фан, 1976.
13. Назершина Ф. Халык хатере. — Өфө: Башкортстан китап нашрияты, 1986.
14. Хисамитдинова Ф.Г. Мифологический словарь башкирского языка. — М.: Наука, 2010.
15. Хоразм эртаклари. Нашрга тайёрловчи: Ф.Абдуллаев. — Т., 1961.
16. Қадимий ҳикматлар / Ўзбек адабиёти бўстони. — Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.